

Ўзбек қамоқхонасидан муслиманинг ўлиги чиқди

🕒 18 Сентябр 2014



Баҳам кўринг

Тошкент вилоятидаги Зангиота туман аёллар қамоқхонасидан тожикистонлик муслима Нилуфар Раҳимжонованинг ўлиги чиққан.

Яқинларига кўра, у 2012 йил бошида чегарани ноқонуний кесиб ўтиш ва терроризмда айбланиб 10 йилга озодликдан маҳрум этилган эди.

Милиция ходимлари Нилуфар Раҳимжонована жасадини унинг Тошкентдаги иниларига ўтган шанба куни топширганлар ва майитни зудлик билан кўмишни талаб қилганлар.

Нилуфар Раҳимжонована айна куннинг ўзида Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги қабристонлардан бирида тупроққа қўйилган.

Яқинларининг айтишича, ички ишлар ходимлари Раҳимжонованинг нима сабабдан вафот этгани борасида маълумот беришмаган.

37 ёшли Нилуфар Раҳимжонована Тошкентдаги Кўкалдош мадрасасининг собиқ имоми Маъруфжон Раҳимжоновнинг тўнғич қизидир.

1990-1991 йилларда Тошкентдаги Кўкалдош мадрасасининг имом-хатиби бўлган 64 ёшли Маъруфжон Раҳимжонов сўнги йилларда Тожикистон шимолидаги Истаравшан шаҳрида истиқомат қилади.

Нилуфар Раҳимжонована Бухорода таваллуд топган ва 90 йиллар бошида Тожикистонга турмушга чиққан.



Нилуфар Раҳимжонована 10 йилга озодликдан маҳрум этилган

Нилуфар Рамҳимжонова тожикистонлик таниқли журналист ва муҳолифат фаоли Сайидюнус Истаравшанийнинг турмуш ўртоғидир.

Эр-хотин тўқсонинчи йиллар бошида Эронга кўчиб ўтган.

Сайидюнус Истаравшаний Техрондаги "Мустафо" олийгоҳи қошида очилган қисқа муддатли курсларда мударрислик қилади.

У, шунингдек, Тожикистонда машҳур "Кимёи Саодат" веб саҳифаси асосчиси ва муҳарриридир.

Тўй ва аза

Сайидюнус Истаравшанийнинг Би-би-сига маълум қилишича, 2011 йил июнида яқинларини кўриш учун Техрондан Истаравшан шаҳрига борган аёли унга Тошкентда истиқомат қилган укасининг тўйига бориш ниятида эканини айтади.

Унинг эътирозларига қарамай, Нилуфар Раҳимжонова айна йил август ойида Тожикистондан айланма йўллар билан Тошкентга йўл олади.

Тўй тадоригида юрган Нилуфар Раҳимжонова орадан бир ой ўтиб, Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот идорлари ходимлари томонидан ҳибсга олинади.

Яқинларига кўра, дастлаб унга "давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш" айблови қўйилади.

Бироқ кейинчалик Нилуфар Раҳимжонова Ўзбекистон Давлат Телевидениеси орқали чиқиш қилиб, яқинларининг айтишича, "Эронда террорчилар жамлоқларида таълим олиб, Ўзбекистонга террорчилик ҳужумларини содир этгани" келганини "эътироф" этади.

Би-би-си билан суҳбатда Сайидюнус Истаравшаний аёли тергов ишини олиб борган шахс томонидан сохта айбларни эътироф этишга мажбурланганига шубҳа қилмаслигини айтди.

"Илк муслима жасади"

Тошкентлик ҳуқуқбон Сурат Икромовнинг айтишича, у раҳбарлик қилган ташкилот ҳозирга қадар аёллар қамоқонасидан "терроризм ёки диний мотивлар билан қамалган" маҳкумалар жасадининг чиққанини қайд этмаган.

"Шу маънода илк муслима жасади аёллар қамоқхонасидан чиқарилаяпти, десак бўлади," - дейди Сурат Икромов.

У аёллар қамоқхонасида шароит эркак маҳкумлар сақланувчи жазони ўташ муассисаларга нисбатан "бирмунча яхшироқ" эканини илова қилади.

Бироқ, собиқ сиёсий маҳкума, таниқли инсон ҳуқуқлари фаоли Мўътабар Тожибоеванинг айтишича, "аёллар қамоқхонасида шароит ўта ҳам оғир".

Унга кўра, аёллар қамоқхонасидан "ҳар йили ўртача 4-5 ўлик чиқади".

"Уларнинг асосий қисми наркоманлар ва СПИДга чалинган маҳкумалардан иборат бўлади. Ҳар йили эълон қилинадиган амнистия акти бўйича, оғир бемор бўлган маҳкумалар жазодан озод қилинишлари керак. Лекин, улар жазодан озод қилинмайди ва уларга етарли тиббий ёрдам кўрсатилмайди," - дейди Мўътабар Тожибоева.

Тожибоева хонимнинг айтишича, аёллар қамоқхонасида маҳкумаларни қийноққа солиш ва таҳқирлаш "кенг тарқалган".

"Энг оғир қийноқлар сиёсий ва диний мотивлар билан қамалганларга нисбатан ишлатилади," - дейди Мўътабар Тожибоева.

Айни мавзу бўйича Би-би-сининг Ўзбекистон Жазони ижро этиш бош бошқармасига қилган муурожаати жавобсиз қолди.

Мўътабар Тожибоеванинг айтишича, Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатдаги систематик қийноқларга оид ички сиёсатини ўзгартирмас экан, Ўзбекистонда қийноқ ҳоллари камайишини кутиб бўлмайди.

2002 йил ноябрида Ўзбекистонга борган БМТнинг Қийноқлар бўйича махсус маърузачиси Тео ван Бовен "Ўзбекистонда қийноқлар систематик қўлланади," дея хулоса билдирган.

БМТ махсус маърузачиси ҳисоботидан кейин Ўзбекистон ҳукумати қийноқларга қарши махсус дастур қабул қилганини эълон қилган, бироқ ўша дастурдан кейин ўтган 12 йилда ҳам вазият ўзгармаганини айтишади фаоллар.

Би-би-си Ўзбек хизмати билан Whatsapp орқали боғланишни истасангиз, телефонимиз: +44 78-58-86-00-02

Бу ҳикояни баҳам кўринг Баҳам кўриш ҳақида



▲ Топга қайтиш

Бу мавзуда батафсилроқ

HRW: 'Ўзбекистонда қийноқлар мунтазам қўлланади'

21 Январ 2014

"Жаслиқ қамоқхонаси нима учун ташкил қилинган?"

10 Декабр 2013

БМТ: Ўзбекистонда қийноқлар кенг тарқалган

23 Ноябрь 2013

Янги ҳисобот: 'Ўзбекистонда қийноқлар ҳамон кенг миқёсда давом этмоқда'

15 Октябр 2013

Бошқа мавзулар >



"Сурияга чиқиш визаси учун пора олган"

🕒 10 Июл 2016



Шоу- бизнесда Гулнора Каримовани "соғинишган"

🕒 10 Июл 2016



40 даража жазирамада деҳқон уйида ўтирсинми?

🕒 8 Июл 2016

Муҳаррир танлови



**Жаҳон Чемпионати-2018:
Ким ғалаба қилади? BBC
News ўйини билан бир
башорат қилиб кўринг**



**Москвадаги ўзбеклар:
“Пулсиз қолдик, қарзга
ботдик...”**



**Собиқ уйсиз дунёни
очликдан қандай
қутқармоқчи?**



**Дунёда мисли кўрилмаган
тажриба: Ўзбекистон Орол
денгизи тубини ўрмонга
айлантирмоқда**



**Инглизча «дунёнинг
севимли тили» бўлиб қола
оладими?**



**Рўзанинг танамизга
таъсирини биласизми?**



**Би-Би-Си охири замон
ҳақида хабар берди(ми?)**

Энг кўп ўқилган

Каттақўрғон милицияси раҳбарларига чора кўрилди

1

"Менинг исмим Жиҳод"

2

Россия, Москва, футбол, ЖЧ-2018: Франция жаҳон чемпиони

3

Ўзбекистон E-Visa тизими ишга туширилди

4

Би-би-си Ўзбек хизмати Интернетда

Facebook

Twitter

YouTube

Мой мир

Google+

Telegram

Одноклассники

Instagram

Хизматлар



RSS

Sahifa xaritasi

News

Sport

Weather

Radio

Foydalanish shartlari

BBC haqida

Shaxsiy ma'lumot siyosati

Cookies

Accessibility Help

Parental Guidance

Bi-bi-si bilan bog'laning

Get Personalised Newsletters

Биз билан реклама қилинг

Реклама танлови

Copyright © 2018 Би-би-си. Bi-bi-si tashqi saytlar uchun mas'ul emas **Tashqi saytlar linklariga munosabatimizga doir**